

PhD, доц. Гулнур Адилова
Тошкент молия институти

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТАЛОВЧИЛАРНИНГ ХИЗМАТ
КЎРСАТИШДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

Аннотация. Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожлантиришда агентлик фаолиятини такомиллаштириш, суғурта хизматларини рақамлаштириш, суғурталовчиларнинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажаришини назорат этиб бориш.

Калит сўзлар: Суғурта бозори, суғурта хизмати, суғурта мукофоти, суғурта rischi, суғурта бизнеси, суғурта брокери, Е-полис.

**THE IMPORTANCE OF THE INSURANCE MARKET
DEVELOPMENT AGENCY IN ENSURING THE COMPETITIVENESS
OF INSURERS IN SERVICE PROVISION IN UZBEKISTAN**

Abstract. Improvement of agency activity, digitization of insurance services, monitoring of insurers' full fulfillment of their obligations to the insured in the development of the insurance market in Uzbekistan.

Key words: Insurance market, insurance service, insurance premium, insurance risk, insurance business, insurance broker, E-policy.

Кириш

Суғурта ташкилотлари мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайдиган кучли молиявий воситаси ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига, корхона фаолиятининг муваффақияти, иқтисодий барқарорлик ва моддий фаровонликни кўллаб-қувватловчи мураккаб тизимни ифодалайди. Ўзбекистонда ҳам суғурта иқтисодиётнинг ривожланаётган бир даврида суғурта, барча соҳаларнинг фаолиятидаги бозор иқтисодиёт муносабатларида ўзгарувчан ноаниқлик ҳавф даражасини камайтириш имконини берувчи иқтисодиётнинг муҳим ажралмас қисмига айланиб бормокда. Шу сабабли суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг

жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг янги турларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Суғурта компаниялари ҳам ҳозирги давр талабларига мос равишда суғурта хизматларини рақамлаштириши муҳим стратегик вазифалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Ҳозирги кунда суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Харакатлар стратегияси”га мувофиқ аҳолини турмуш даражасини кўтариш, қулай шароитларни яратиш мақсадида мамлакат миллий иқтисодиётида кенг ислохотлар ўтказилмоқда¹. Унда “янги турлардаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг хажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш” каби масалалар вазифа қилиб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги² қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан суғурта компаниялари хизмат кўрсатишда рақамли технологиялардан фойдаланишлари ва янги инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари суғурта компаниялари суғурталанувчилар олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришини назорат этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги³ 1060-сон қарори қабул қилинди.

Адабиётлар таҳлили

Суғурта хизматларининг иқтисодий характерини ўрганиш, суғурта хизматларини шаклланиши, тарихи ва иқтисодий мазмуни бўйича фикрлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси Тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони

²<https://lex.uz/docs/4459802> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

³<https://lex.uz/docs/4677911> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1060-сон қарори

ва мулоҳазалар, назарий, амалий ва услубий жиҳатлари хорижий олимлар илмий ишларида тадқиқ қилинган.

И.Л. Логвинованинг фикрига кўра суғурта бозори бозор иқтисодиёти муносабатларининг умумий таркибий қисми ҳисобланади. Суғуртанинг асосий мақсади ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бозор муҳити, суғурта мақсадлари ва функциялари мамлакатнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш шароитида суғурта хизматлари бозорини ташкил этишнинг асосий тамойилларини белгилайди.

Хорижий адабиётларда “суғурта хизматлари” тушунчасининг аниқ таърифи йўқ. Суғурта хизматлари деганда ўта турли-туман рисклар бўйича суғурта қопламасини тақдим этиш хизматларнинг кенг мажмуасини тушуниш мумкин.

А.Зубецсуғурта хизматларига қуйидагича таъриф берган: суғурта хизматлари бошқа молиявий хизматлар каби, “молиявий хизматлар” тушунчасининг бир қисми ҳисобланади, у эса ўз навбатида “хизматлар” тушунчасига унинг таркибий қисмлари сифатида қабул қилинади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада, суғурта бозорида суғурталовчиларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини рақобатбардошлигини таъминлашда агентликнинг рўли, унинг ҳуқуқий ва назарий асослари, иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, ва иқтисодий ҳолатлар таҳлилларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон суғурта бозорида жами 42 та суғурта ташкилоти фаолият олиб бораётган бўлиб, улардан 34 таси умумий суғурта соҳасида ва 8 таси ҳаёт суғуртаси соҳасида хизмат кўрсатиб келмоқда.

1-жадвалда 2022 йил 1 ярим йиллиги ҳисоботи бўйича келтирилган 34 суғурта компанияларнинг умумий суғурта турлари бўйича тўлаб берилган суғурта тўловлари 427588 миллион сўмни ташкил этди. Энг йирик суғурта тўловлари “APEX INSURANCE” AJ 96710 миллион сўм (умумий суғурта тўловининг 22,6 фоизини), “KAPITAL SUG‘URTA” AJ 38286 миллион сўм (умумий суғурта тўловининг 8,9 фоизини), “MY-INSURANCE” AJ 36337 миллион сўм (умумий суғурта тўловининг 8,5 фоизини) томонидан тўлаб берилди. Кўришимиз мумкинки суғурта компаниялари мижозлар ишончини қозонишда уларнинг суғурта тўловларини имкон даражасида тўлаб беришган.

1-жадвал

**Ўзбекистондаги суғурта компанияларнинг умумий суғурта соҳаси
бўйича тўлаган суғурта тўловлари ⁴ (млн сўмда)**

млн.сўмда

№	Суғурта компаниялар номи	Суғурта тўловлари
		2022/06/30
	Умумий	427 588
1	"APEX INSURANCE" AJ	96 710
2	"KAPITAL SUG'URTA" AJ	38 286
3	"MY-INSURANCE" AJ	36 337
4	"O'ZBEKINVEST" EISK AJ	33 923
5	"GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	31 189
6	"O'ZAGROSUG'URTA" AJ	23 473
7	"KAFOLAT SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	22 209
8	"ALFA INVEST SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	20 855
9	"EUROASIA INSURANCE" AJ QK	18 910
10	"ALSKOM" AJ	14 964
11	"ASKO-VOSTOK" AJ QK	10 482
12	"SQB INSURANCE SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	9 970
13	"KAFIL SUG'URTA" AJ	9 604
14	"ASIA INSURANCE SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	9 247
15	"IMKON SUG'URTA" AJ	7 394
16	"TEMIRYO'L SUG'URTA" AJ	6 277
17	"GLOBAL INSURANCE GROUP" AJ	5 225
18	"INGO-UZBEKISTON" AJ	4 788
19	"HAMKOR SUG'URTA" AJ	4 287
20	"SEMURG SUG'URTA" AJ QK	4 033
21	"SHARQ-SUG'URTA" AJ	3 767
22	"GARANT INSURANCE GROUP" AJ	3 014
23	"ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	2 612
24	"INSON" AJ	2 311
25	"IMPEX-INSURANCE" AJ	1 550
26	"XALQ SUG'URTA" AJ	1 350
27	"PERFECT INSURANCE" AJ	1 265
28	"UNIVERSAL SUG'URTA" AJ	1 251
29	"OMAD SUG'URTA" AJ	744
30	"AZIMUTH INSURANCE COMPANY" AJ XK	567
31	"ARIA SUG'URTA TASHKILOTI" AJ	484
32	"DD GENERAL INSURANCE" AJ	418
33	"TRUST-INSURANCE" AJ	57
34	"UNIPOLIS" AJ	35

⁴Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2022-йил 1 ярим йиллик бўйича умумий суғурта соҳасида суғурта тўловларининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-жадвалда Ўзбекистондаги суғурта компанияларнинг умумий суғурта соҳаси бўйича суғурта мукофотлари таҳлилини келтирамиз. Мазкур жами 34 та суғурта компаниялари кўрсаткичлари акс эттирилганини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

2-жадвал

Ўзбекистондаги суғурта компанияларнинг умумий суғурта соҳаси бўйича суғурта мукофотлари (млн сўмда)⁵

№	Суғурта компаниялар номи	Суғурта мукофотлари
		2022/06/30
	Умумий	1 964 688
1	"O'ZBEKINVEST" EISK AJ	240 714
2	"APEX INSURANCE" AJ	203 881
3	"O'ZAGROSUG'URTA" AJ	157 366
4	"MY-INSURANCE" AJ	126 353
5	"KAFOLAT SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	174 598
6	"GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	157 393
7	"KAPITAL SUG'URTA" AJ	79 519
8	"EUROASIA INSURANCE" AJ QK	60 011
9	"KAFIL SUG'URTA" AJ	54 763
10	"ASKO-VOSTOK" AJ QK	48 213
11	"ALSKOM" AJ	42 728
12	"ALFA INVEST SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	218 086
13	"TEMIRYO'L SUG'URTA" AJ	45 111
14	"INSON" AJ	38 869
15	"ASIA INSURANCE SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	34 125
16	"SQB INSURANCE SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	37 180
17	"IMKON SUG'URTA" AJ	28 486
18	"XALQ SUG'URTA" AJ	27 413
19	"IMPEX-INSURANCE" AJ	22 122
20	"GLOBAL INSURANCE GROUP" AJ	19 687
21	"OMAD SUG'URTA" AJ	16 391
22	"ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	15 264
23	"SEMURG SUG'URTA" AJ QK	15 211
24	"INGO-UZBEKISTON" AJ	26 681
25	"HAMKOR SUG'URTA" AJ	9 975
26	"UNIVERSAL SUG'URTA" AJ	9 446
27	"TRUST-INSURANCE" AJ	8 668
28	"DD GENERAL INSURANCE" AJ	8 574
29	"PERFECT INSURANCE" AJ	7 981
30	"ARIA SUG'URTA TASHKILOTI" AJ	7 105
31	"AZIMUTH INSURANCE COMPANY" AJ XK	8 109
32	"SHARQ-SUG'URTA" AJ	9 039
33	"GARANT INSURANCE GROUP" AJ	4 830

34	"UNIPOLIS" AJ	793
----	---------------	-----

3-жадвал маълумотларига кўра Ўзбекистондаги суғурта компанияларнинг ҳаёт суғурта соҳаси бўйича умумий 8 та суғурта компаниясидаги суғурта мукофотлари ҳажми келтирилган.

3-жадвал

Ўзбекистондаги суғурта компанияларнинг ҳаёт суғурта соҳаси бўйича суғурта мукофотлари (млн сўмда)⁵

млн.сўмда

№	Суғурта компаниялар номи	Суғурта мукофотлари
		2022/06/30
	Умумий	725 759
1	"NEW LIFE SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	307 270
2	"AGROS HAYOT" AJ	84 631
3	"KAFOLAT HAYOT INSURANCE" AJ	79 860
4	"ALFA LIFE INSURANCE" AJ	76 554
5	"EUROASIA LIFE INSURANCE" AJ	62 993
6	"APEX LIFE INSURANCE" AJ	56 506
7	"O'ZBEKINVEST HAYOT SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	47 159
8	"FAROVON SUG'URTA" AJ	10 785

3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2022 йил 1 ярим йиллиги натижалари бўйича ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта тўловлари 725759 миллион сўмни ташкил этди. "NEW LIFE SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта тўловлари 307270 миллион сўмни ёки барча тўловларининг 42,3 фоизини ташкил этди.

Мухими, суғурта фаолиятини бозор инфратузилмасининг асосий бўғини сифатида суғурта компаниясининг ривожланишига олиб келиш. Суғурта компаниялари институционал инвесторлар сифатида фаолият юритади, бу эса давлатда инвестицион фаолиятни ривожлантиришни рағбатлантиради. Шу муносабат билан ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва иқтисодий глобллашув шароитида суғурта компаниясида амалга оширилаётган бизнес жараёнларни тавсифлаш муҳимдир.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш керакки, жамиятимиз ўз мол-мулкани ва молиявий манфаатларини кундалик ҳаётда ҳимоя қилиш, шунингдек турли хил фаолиятни амалга ошириш ва ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишдаги турли молиявий рисклардан суғурта қилиш муҳимдур.

Шу сабабли суғурта секторини иқтисодийнинг реал сектори, ташқи ва ички инвестициялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ролини

оширишда: суғурта йўли билан ҳимоялашнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва муҳокама қилиш, суғурта бозорини тартибга солишнинг пруденциал нормаларини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Логвинова И.Л. Взаимное страхование как метод создания страховых продуктов в экономике. / И.Л. Логвинова. – М.: Анкил, 2010. – 248 с.
2. Орланюк-Малицкая Л.А. Страхование: Учебник / Л.А. Орланюк-Малицкая. — М.: Юрайт, 2010. - 828 с.
3. Van Winssen, K. P. M., van Kleef, R. C., & van de Ven, W. P. M. M. (2016). The demand for health insurance and behavioural economics. The European Journal of Health Economics, 17(6), 653-657. doi:10.1007/s10198-016-0776-3
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги қарори
5. “Суғурта фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. -“Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 28 май.
- 6.<https://www.thebalancesmb.com/insurance-company-ratings>, А.М. Best, Moody S, Standard&Poors, Insurance Company Ratings.
7. <https://www.mf.uz>
8. <http://www.insur-info.ru>